
“ХОКИМ КУБОГИ”ГА СТАРТ БЕРИЛДИ

“ХОКИМ КУБОГИ”ГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Туманимизда ёшларни спортга жалб этиш, ёшлар ўртасида спортнинг турли соҳалари бўйича мусобақаларни мунтазам ташкил этиш бўйича Ленбур маҳалласида бўлиб ўтган сайёрга қабулда туман ҳокимига қилинган мурожаат бугун ўзининг амалий исботини топди.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари Агентлиги Сўх тумани бўлими ташаббуси ва Ленбур маҳалласида фаолият бошлаган маҳалланинг ёшлар етакчиси саъй-ҳаракати билан 18-сонли умумий ўрта таълим мактабида “Ҳоким кубоги” ни қўлга киритиш учун волейбол мусобақаларига старт берилди.

Мусобақаларнинг очилиш маросимида қатнашган туман ҳокими Сайдбаҳром Сайдмусаев Республикаимизда давлатимиз раҳбари томонидан ёшларга нисбатан берилаётган эътибор замирида ўсиб келаётган авлоднинг келажаги ва тақдирни мужассамлигини таъкидлаб, ҳудудларда фаолияти йўлга қўйилган ёшлар етакчилари ҳам айни ёшлар манфаатини кўзлаб иш юритиши давр ва замон талабай эканлигини қайд этди.

Ёшлар ишлари Агентлиги Сўх тумани бўлими ва туман туризм ва спортни ривожлантириш бўлими ҳамкорлигида ташкил этлган мазкур мусобақаларда туманимизнинг маҳаллаларидан келган ва асосан ёшлардан таркиб топган волейбол жамоалари иштирок этишади.

Ёшлар ишлари Агентлиги Сўх тумани бўлими раҳбари Исожон Мастоновнинг маълумотига кўра, мазкур мусобақаларда Ленбург, Тул, Девайрон, Навобод, Ровон, Офтобру, Ҳазрати Али, Қизилқиёқ, Қалъача, Қалъа, Чумоқча, Соҳибкор, Сариканда маҳалла фуқаролари ёш волейболчилари қатнашиб, олимпия усулида ўзаро беллашади.

Фолиб бўлган жамоага мусобақалар якунида “Ҳоким кубоги” тақдим этилади.

Сўх тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2022-02-03 15:20:58